

Мисрда мавлид ойи муносабати билан дам олиш кунлари белгиланди



14:40 / 18.09.2023 1915

Анъанага мувофиқ, Мисрда Астрономик тадқиқотлар институти томонидан рабиул аввал ойи кириб келгани расман эълон қилинди. Бу ҳақда almasryalyoum.com нашри хабар берди.

Хабарга кўра, Миср Араб Республикаси Вазирлар Маҳкамаси доктор Мустафо Мадбулийнинг раҳбарлигида рабиул аввал ойини кенг нишонлаш муносабати билан қарор қабул қилди. Ушбу қарорга кўра, мамлакатда меҳнат қилаётганларга, жумладан, вазирликлар, давлат ва маҳаллий идоралар, кенг жамоатчилик аъзолари мавлид ойи муносабати билан кетма-кет уч кун – 28-29-30 сентябрь кунлари дам оладилар. 27 сентябрь, рабиул аввалнинг 12 куни мавлид тадбирлари мамлакат бўйлаб кенг

миқёсда ўтказилса, ундан кейинги уч кун мисликлар учун дам олиш куни деб белгиланди.

Миср фатво маркази мавлид маросимини нишонлаш масаласига тўхталиб, уни энг афзал ва улуғ амаллардан бири, чунки у Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга умматлик шодлигини ва у зотга бўлган муҳаббатни ифода этади. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат эса иймоннинг аслларидан биридир. Мавлидни нишонлаш деганда, одамларнинг Аллоҳни зикр қилиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиб мадҳ этиш мақсадида тўпланишлари тушунилади. Фатво маркази мавлидни бу шаклда нишонлаш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дунёга келган кунларидан хурсанд бўлишнинг эълони ҳисобланишини таъкидлаб ўтди.